

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИСОМИДДИНОВ ЮНУСЖОН ЮСУББОЕВИЧ

**КОРРУПЦИЯНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ
БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич

Коррупциянинг давлат ва жамият бошқаруви барқарорлигига таъсирини камайтириш механизмлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)..... 3

Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич

Механизмы снижения влияния коррупции на устойчивость государственного и общественного управления (социально-философский анализ) 23

Isomiddinov Yunusjon Yusubboevich

Mechanisms to reduce the impact of corruption on the sustainability of state and public governance (socio-philosophical analysis) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИСОМИДДИНОВ ЮНУСЖОН ЮСУББОЕВИЧ

**КОРРУПЦИЯНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ
БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fal419 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мухторов Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида анъанавий ёндашувлар ўз кучини йўқотиши натижасида инновацион йўл билан курашиш усуллари ва ижтимоий механизмларга эҳтиёж туғилмоқда. Ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида коррупцияга қарши курашиш борасида самарали бошқарув тизими яратишни бугунги кун воқелиги намён этмоқда. Шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг ўзи инсониятдан замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш асосида коррупцион жараёнларга барҳам бериш йўллари талаб қилмоқдаки, бу ўз навбатида, ҳар бир давлатда ўзига хос ва мос жамият бошқаруви негизини коррупциядан холи этишнинг ижтимоий механизмларини янада кучайтиришга доир ислохотларни ривожлантиришга туртки бермоқда.

Жаҳон илм-фанида янгича дунёқараш асосида коррупциянинг келиб чиқишига қарши курашиш соҳасида илмий жамоатчилик томонидан кўплаб амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, коррупциянинг давлат хавфсизлигига таъсири, коррупция ҳодисасининг ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва мафкуравий асослари, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий томонларига оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга аниқ мақсадларни кўзлаб, давлат ва жамиятнинг фаровон келажагини қатъий тартиб интизом, ижтимоий нормалар асосида инновацион усулларда бошқариш ҳамда инсониятнинг коррупцияга қарши курашишдаги ҳамжиҳатлигини таъминлашнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш заруриятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олиш тизими самарадорлигига эришиш, жамиятда барча учун қулай замонавий ижтимоий адолат муҳитини яратиш, мамлакат обрўсини жаҳонда юқори пағонага кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат – коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг кўламда кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этганимиз бу масаланинг долзарблиги ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради”¹. Шу нуқтаи назардан, бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда коррупциянинг жамият ривожига таъсирини камайтириш, давлат идораларида коррупцияга қарши курашишда очиқликка эришиш, инсоннинг қадр-қимматини эъзозлайдиган ижтимоий бошқарув механизмларини янгича ракурсда илмий тадқиқ этиш заруриятини тоқазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 10

¹ Мирзиёев Ш.М. Мустақиллик – эзгу ниятларимиз, буюк мақсадларимиз рўёби йўлида кудрат манбаи // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 1 сентябрь. –№ 186. –Б. 2.

январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 29 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ва жамият бошқарувида коррупцияга қарши курашишга доир концептуал ғоялар методологик асос сифатида барча даврларда файласуфлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ривожлантириб келмоқда.

Коррупциянинг давлат хавфсизлигига таъсири ва коррупцион жараёнларининг дунё давлатлари ва маданиятларига таъсирини инобатга олган ҳолда Д.Кауфман¹, С.Мелман, Р.Реникка² каби муаллифлар ўрганишган.

Таркибий-функционал жиҳатдан классик олимлар Р.К.Мертон, институционал жиҳатларини Г.А.Алмонд³, М.Вебер, М.Дюверже⁴, С.П.Хантингтон⁵, кабилар тадқиқ этишган.

Бундан ташқари, коррупция ҳодисасини ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилишда россиялик қатор олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг роли катта. Улар қаторига П.Андрукович, Ю.Благовешченский, И.Винюков, С.В.Ванюшкина, В.М.Есипова, В.О.Правников, В.В.Куликова, М.Левина, А.С.Малчинова, Э.Н.Мисловский, В.А.Номоконова, С.З.Павленко, В.И.Попова, А.Пономаренко, Э.С.Сазонова, С.С. Сулакшина⁶ларнинг илмий изланишларини келтириш лозим.

Жамиятда коррупцион ҳолатлар олдини олишнинг маънавий-ахлоқий механизмлари тўғрисидаги мулоҳазалар ўзининг дастлабки илмий-сиёсий кўринишида, хусусан, жамиятни барқарорлаштирувчи ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий институтларнинг етакчи ролини бажаришдаги ўрни ижтимоий-

¹Kaufmann, D., & Kraay, A., Governance and Growth: Causality which way? – Evidence for the World, in brief. Washington, DC: World Bank. 2003.

²Reinikka, R., Svensson, J., Fighting corruption to improve schooling. Journal of the European Economic Association, 3(2–3), 2005. – P. 259–267.

³ Реформа государственного управления: международный опыт. Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь Мир», 2003.

⁴ Дюверже М. Политические партии. – М.: Академический Проект, 2000. - 538 с.

⁵Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах.– М.: Прогресс-Традиция, 2004. – 480 с.

⁶Терещенко И.А. Личность, общество, государство в проблеме борьбы с коррупцией // Обозреватель - Observer – № 3.–2009. – 0,5 п.л.

сиёсий жиҳатдан “Авесто”да, Форобий, Беруний, Низомулмулк, Ж.Румий, Амир Темур, Алишер Навоий, А.Авлоний, А.Фитрат, А.Чўлпон, М.Бехбудий сингари Шарқ алломаларининг асарларида акс этган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас “Авесто” китобида, Афлотуннинг “Давлат”, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги – ичингдадур” асарларида жамиятда барқарор тараққиётни таъминлаш учун энг аввало инсоннинг маънавий камолотга эришиши зарурлиги асосланган. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг “Қонунлар” асарида жамиятда маънавий тарбия энг зарур эҳтиёж эканлигини, агар бундай тарбияга амал қилинса, қонунларга амал қилиш ҳам ихтиёрий амалга оширилиши мумкинлиги бўйича таъкидлаган фикри бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий томонлари фалсафий тарзда ўрганилган. Масалан, давлат бошқарувида ижтимоий механизмларнинг роли, миллий давлатчилик ривожига моҳияти ва фалсафий парадигмасининг ўзгариши Ф.Мусаев, А.Саидов¹, И.Эргашев, Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, А.Рахмонов², М.Бекмурадов, А.Қодиров, В.Кўчқоров, Ф.Равшанов ва М.Қирғизбоев³ тадқиқотларида ёритилган.

Ф.Жўракулов⁴, З.Замонов⁵, Ж.Мавлонов⁶, Ж.Юсубов⁷, Д.Эрназаров⁸, Б.Хасанов⁹, С.Саидов каби тадқиқотчилар коррупцияга қарши курашда давлат бошқаруви органларининг сиёсий ролини, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратганлар.

Шунга қарамадан, бугунги кунда маънавият ва маърифат асосида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтириш масалалари бевосита ижтимоий-фалсафий нуқтаи назаридан яхлит тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

¹ Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, 2012. – Б. 80.

² Рахманов А.Р. Гражданское общество: достижение, проблемы, перспективы. – Ташкент: «Ал-Фаба-сервиз», 2007. – С.343.

³ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 256.

⁴ Журакулов Ф. Фуқаролик жамиятини куриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш: Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2018.

⁵ Замонов З. Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнларида маънавий-ахлоқий институтларнинг ўрни ва роли (мустақиллик йилларида): Сиёсий фанлар доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2019.

⁶ Мавлонов Ж. Давлат ва халқ ўртасида самарали мулоқотни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш: Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2019.

⁷ Юсубов Ж. Ўзбекистонда давлат хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши: Сиёсий фанлар доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2018.

⁸ Эрназаров Д. Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли: Сиёсий фанлар доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2018.

⁹ Хасанов Б. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш: Сиёсий фанлар доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2018.

тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон худудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022) мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувидаги таъсирини камайтиришда ижтимоий институтлар ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ривожланган мамлакатларда маънавият ва маърифат асосида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтиришнинг турли моделлари ва концепцияларини очиб бериш;

“Ҳаракатлар стратегияси” доирасида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг методологик асоси сифатидаги вазифасини илмий таҳлил қилиш ва асослаб бериш;

ривожланган Ғарб ва Осиё мамлакатларида маънавият ва маърифат асосида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтиришнинг инновацион тажрибасини ўрганиш ва тизимлаштириш;

маънавият асосида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг инновацион усулларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувида таъсирини камайтириш механизмлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети коррупциянинг давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги таъсирини камайтириш механизмлари, уни олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари, коррупцион жараёнларнинг ижтимоий-сиёсий ва субъектив асосларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, социологик кузатув, қиёсий таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият бошқаруви сиёсатини кенг жамоатчилик онгига трансформациялашнинг рақамли ва ошқораликка асосланган мезони ҳамда тарғибот-ташвиқот ва таълим-тарбия тизими фаолиятига янада кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлиги фалсафий жиҳатдан далилланган;

коррупцияни ижтимоий ҳодиса сифатида тушунишга оид бугунги ҳуқуқий, илмий, фалсафий ёндашувлар бевосита ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳалоллик, ўзини тийиб туриш, ватанпарварлик, касбга ва меҳнатга содиқлик, инсоний қадриятларни эъзозлаш каби ҳис-туйғуларни янада оширишнинг концептуал устуворлиги асосланган;

коррупциянинг ижтимоий воқеликдаги таъсирини камайтиришда объектив, субъектив омиллар аралашувини йўқотиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш механизмларини оптималлаштириш зарурияти фалсафий жиҳатдан асосланган;

коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати, тартибга солиш, чора кўриш (уялтириш, жамоада ошкор қилиш) сингари функционал механизмларининг услубий, методологик, амалий жиҳатларини янада такомиллаштириш бирламчи асосга эга эканлиги мантиқий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган амалий натижалар маънавий ва маърифат асосида коррупциянинг давлат ва жамият бошқарувига таъсирини камайтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳуқуқий демократик давлат куриш ислохотларини, фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш заруратидан келиб чиқилган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг оптимал усул ва механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар сифатида хизмат қилган;

тадқиқотдан олинган илмий натижалар сифатида шакллантирилган хулосалар, таклифлар, тавсиялар давлат ва жамият бошқарувининг очиқлиги ҳамда шаффофлиги, коррупциянинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари иштирокининг самарадорлигини кучайтиришга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертациянинг илмий характерини очиб беришдаги манбалардан фойдаланишда, мавзуга оид усул ва воситаларга назарий ёндашувда, апробация асосида республика ва халқаро илмий конференцияларида, ОАК ва хорижий журналларида нашр қилинган мақолаларда, далилларни очиб беришда натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар амалий фаолиятида фойдаланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган конструктив илмий хулосалар, фикрлар, таклиф ва тавсиялардан ижтимоий-гуманитар фанлар – сиёсатшунослик, бошқарув менежменти, сиёсий социология каби фан тармоқларини илмий жиҳатдан бойитиши ҳамда соҳага оид олиб бориладиган тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, илгари сурилган таклиф-тавсиялардан давлат ва жамият бошқаруви тизимининг барча соҳалари фаолиятида, шунингдек, олий ўқув юртларида ўқитилаётган – Ўзбекистон тарихи, ижтимоий фалсафа, фалсафа, миллий ғоя, ҳуқуқшунослик, социология фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият бошқаруви

механизмларини ривожлантиришга доир ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

коррупциянинг замонавий жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий воқеликнинг қурилиши ва ижтимоий воқеликнинг демитологизацияси назариясини ижтимоий-фалсафий таҳлилни ўтказишга имкон берадиган услубий ёндашувларга доир тавсиялардан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарслигининг “Миллий ғоя типологияси” ва “Ёт зарарли ғояларнинг кўринишлари, уларнинг олдини олишда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти” деб номланувчи 20-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4337-сон маълумотномаси). Натижада давлат ва жамият бошқарувида коррупцияга қарши курашиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширишга хизмат қилган;

коррупцияга қарши курашда ахлоқий нормаларнинг асосий таркибий қисмлари (ҳаромдан ҳазар қилиш, бировнинг ҳаққини емаслик, ҳалоллик) ва ички механизмлар (уялтириш, жамоада ошқор қилиш)нинг самарадорлиги аниқланганлигига доир таклиф –тавсиялардан Самарқанд давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи Эрасмус + дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар гранти лойиҳасининг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-5297-сон маълумотномаси). Натижада давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олишда ёш кадрлар учун мантиқий тафаккур ва инновацион ғояларнинг зарурлигини ҳал қилишда самарали хизмат қилган;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда давлат ва жамият бошқаруви сиёсатини кенг жамоатчилик онгига сингдириш бўйича механизмлар ишлаб чиқилганлигига оид тавсиялардан Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясида 2020 йил 12 октябрь куни эфирга узатилган “Кун мавзуси” кўрсатувининг навбатдаги сони сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 ноябрдаги 09-01/320-сон маълумотномаси). Натижада олинган маълумотлар давлат ва жамият бошқарувида коррупцияга қарши курашиш механизмларини фуқаролар ижтимоий онгига сингдирилишига хизмат қилган;

коррупциянинг ижтимоий ҳодиса сифатида тушунишга оид турли ёндашувлар таҳлил қилинганлиги, унинг фуқаролик жамияти институтлари концептуал илмий апаратини такомиллаштиришдаги зарурати аниқланганлигига доир илмий, амалий ва методологик ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Самарқанд вилоятидаги 1097 та маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тадбирлар сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва

оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 14 ноябрдаги 02-04/1561-сон маълумотномаси). Натижада коррупциянинг жамиятга таҳдиди ва унинг маҳаллалар фаолиятида қонунлардан ташқарида амал қилишига қарши курашишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 5 та мақола (жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коррупция феноменини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат. Бобда коррупция инсоният тарихида кўп учрайдиган ижтимоий ҳодисалардан бири эканлиги тадқиқ этилган. Қадим замонлардан бери инсоният коррупция ва порахўрликни яхши билади, бу жамиятнинг энг хавфли касалликларидан биридир. Бу иллатга қарши курашиш давлат бошқаруви учун муҳим ижтимоий соҳа эканлиги тарихий манбалардан маълум. Жумладан, жамиятда порахўрликнинг олдини олиш бўйича ўзининг сиёсий-ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиққан давлатлардан бири сифатида қадимги Шумер давлати эътироф этилади. Тарихий манбаларга кўра, шумерликларнинг лой тахтачаларга ёзилган қадимги қўлёзмаларида ҳисоб-китоб ва порахўрликка қарши курашиш масалалари акс этган. Бу даврда давлат бошқарувида турган шахсларнинг коррупцияга мойил бўлиши кўпроқ давлатнинг обрўсига путур етказиши ҳукмдорларни ташвишга солган¹.

Шундай қилиб, ижтимоий омиллар турли халқларнинг совғалар бериш сабаблари ва бугунги кунда пора тоифасига тегишли бўлган ҳар қандай

¹ Квон Д. А. Политическая коррупция: понятие, цели, субъекты // Власть. 2015. № 7. –С. 45-52.

қурбонликлар анъанавий хусусиятга эга ва унинг илдизлари феодализм даврида ҳам ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларга бориб тақалади.

Замонавий коррупция концепцияси замонавий давр бошида марказлашган давлатлар ва амалдаги ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши билан бошланади. Никола Макиавеллининг асарлари коррупцияни ҳозирги маънода тушунишга муҳим туртки бўлиб, у коррупцияни касаллик билан таққослаган. Аввалига таниб олиш қийин, аммо даволаш осонроқ. Агар у ишлаётган бўлса, уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин¹.

Диссертантнинг фикрича, коррупция ижтимоий ҳодиса сифатида норасмий алмашинув муносабатларининг қонуний йўл қўйиладиган нормаларга риоя қилмаслик асосида алмашинадиган барқарор, қайта тикланадиган тизимдир. Коррупция ҳар доим ҳам мураккабликни назарда тутати. Коррупция бир нафар инсон билан амалга ошмайди. Шу билан бирга, коррупция ҳаракати икки томонлама бўлса ҳам, у ҳар доим ушбу акт амалга ошириладиган манфаатларнинг бузилиши туфайли учинчи томон – жамиятнинг мавжудлигини назарда тутати. Коррупция тизим эканлиги сабабли, унинг сифати ва ҳажми фақат коррупцион ўзаро таъсирларда иштирок этадиган шахслар сонига қараб белгиланмайди. Коррупцияни алоҳида муносабатлар сифатида кўриб чиқиш тизим ичидаги коррупцияни амалга оширувчи шахслар фаолиятини таҳлил қилиш зарурати билан белгиланади. Шахсни ижтимоий муносабатлар тизимига киритилган ижтимоий гуруҳ вакили сифатида тушуниш коррупцияни тўлиқ кўриб чиқишга имкон беради.

Коррупция жамоат муносабатларини, жамиятдаги нарсаларнинг нормал тартибини бузади ва шу асосда содир бўлади. “Коррупция”, ҳокимиятнинг “емирилиши”дир. Чунки давлат ва жамият фаолиятидаги коррупция ҳамма нарсани тубдан ўзгартиради, халқ ва унинг ягона манбаи бўлган ҳокимият, давлат ва жамият зарарига хизмат қила бошлайди. Коррупция ҳокимиятдан ва у билан боғлиқ имкониятлардан бутун жамият манфаатларига эмас, балки шахсларнинг манфаатларига ёки маълум бир гуруҳ одамларнинг манфаатларига хизмат қилишни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, коррупция давлат ҳокимиятидан шахсий манфаатлар учун ноқонуний фойдаланишдан иборатдир.

Тақиқотчининг фикрича, замонавий ижтимоий фанларда фалсафий, иқтисодий, институционал ва ижтимоий-маданий омиллар коррупцияни келтириб чиқаради. Давлат бошқарувида коррупциянинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий оқибатлари жамиятга салбий таъсир этади.

Айрим хорижий иқтисодчилар коррупциянинг асосий сабабларини жуда аниқ ифодалашни қуйидаги формула билан изоҳлайдилар:

коррупция = монополия + ўзбошимчалик - жавобгарлик.

¹ Иванова Л.Л., Артюхин О.А. Аксиологическая составляющая деятельности политико-административной элиты // В сборнике: Философия элитологии Сборник трудов Первого Всероссийского элитологического конгресса с международным участием. 2013. –С. 348-353.

Бу шуни англатадики, коррупция эҳтимоли давлатнинг муайян фаолият турларига (масалан, қурол сотиб олиш) монополиясига ва мансабдор шахсларнинг назоратсиз фаолиятига боғлиқ, аммо бу суиистеъмолликлар учун жазоларнинг жиддийлиги ва жиддийлигига боғлиқ.

“Коррупция” атамаси бу фақат юридик атама эмас, балки ижтимоий-фалсафий, сиёсий ёки криминологик тушунчадир, шунинг учун уни аниқланган жиноятлар сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқиш керак. Умуман олганда, коррупция бугунги кунда бир қатор турларни ўз ичига олади:

1) муайян субъект сифатидаги йўналишга кўра:

- давлат ва жамият бошқаруви органлари ходимлари фаолиятидаги коррупция; - айрим шахсларнинг хусусий сектор негизидаги коррупцион жараён; - давлат бошқарувидаги шахсларнинг сиёсий коррупцияси;

2). Муайян даража мақомига кўра:

- оддий даража кўринишида; - юқори даражали кўринишда; - вертикал кўринишда; - горизантал кўринишда;

3). Давлат ва жамият бошқарувидаги хавфлилик ҳолатига кўра:

- коррупциянинг салбий иллат эканлиги; - коррупция-жамиятдаги жиноятлиги.

Мазкур ижтимоий иллатлар жамиятда коррупция ва унинг иштирокчилари мотивациясининг хусусиятлари билан белгиланади.

Давлат бошқарувида коррупция кўпроқ 3 та шаклда намоён бўлади. Улар:

- ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолда амалдор шахс ўз мансабидан фойдаланиб, таниш-билиш ёки қариндош-уруғлари орқали қонунга қарши ҳаракатларни амалга оширади;

- айрим кимсаларнинг ўз мақсади йўлида мансабда турган шахсни пора эвазига ўзига қарам қилиш ва ундай манфаат кўришга асосланади. Бунда турли кўринишдаги совға ёки мукофотларнинг қонунга зид равишда амалга оширилиши намоён бўлади;

- коррупциянинг бу шаклида жиноятчилик билан боғлиқ фаолият асосий мақсад бўлиб, унда мансабдор шахсни жиноятга олиб борадиган йўллар босқичма-босқич амалга оширилади. Натижада мансабдор шахс ўзи англамаган ёки тушунган ҳолда мазкур жиноятни амалга оширади. Коррупциядаги бундай фалсафий кўриниш бир неча кишининг уюшган жиноятчиликини хоҳ мажбурий, хоҳ ихтиёрий бажариши билан якун топади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига биноан¹ ижтимоий ҳаётнинг бир қатор соҳаларига коррупция бевосита таҳдид солмоқда. Улар орасида: 1) жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги; 2) демократик институтлар ва кадриятлар; 3) ахлоқий кадриятлар ва адолатлилик; 4) барқарор ривожланиш ва қонунчилик.

¹ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. URL: http://www.unodc.org/pdf/corruption/publications_unodc_convention -r.pdf.

Замонавий илмий адабиётларда «коррупция» тушунчасини аниқлашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Коррупция кўп ҳолларда қуйидагилар билан тавсифланади:

1) маълум бир қизиқиш билан коррупция субъектлари фаолиятининг аниқ мотивацион таркибий қисми; 2) коррупцияга қарши курашиш мақсадини кўзловчи моддий ва номоддий имтиёзлар; 3) қонун билан қўриқланадиган манфаатларга маълум даражада зарар етказишда намоён бўладиган унинг таъсирининг ҳалокатли йўналиши.

Ёндашувлардан ҳар бири асосан коррупциянинг ижтимоий моҳиятига қаратилган бўлиб, у ҳар қандай давлат ёки жамият учун маълум даражада ижтимоий зиддиятлар ва манфаатлар тўқнашувини англатади. Ушбу ҳолатда коррупция ижтимоий оғишларнинг бир тури сифатида тақдим этилади.

Диссертант коррупцион муносабатлар типологияси қуйидаги турларини таъкидлайди: 1. Пора бериш; 2. Протекционизм; 3. Хуфия лоббизми; 4. Фаворитизм; 5. Непотизм; 6. Сиёсий коррупция; 7. Давлат маблағларини шахсий фойдаланиш учун ноқонуний ўзлаштириш. Мазкур салбий иллатларнинг давлат ва жамият бошқарувига таъсирини коррупцион омиллар сифатида кўрсатиш мумкин.

Коррупцияга қарши кураш доирасида миллий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун коррупцияни тан олиш, унинг давлат ва жамиятга таъсир этиш даражасини тушуниш керак. Кўпинча, ҳукуматнинг коррупцион жараёнларга муносабати “Transparency International” халқаро ташкилоти ташкил этган коррупцияга мойиллик индексидан фойдаланиб ўлчанади.

Ҳар бир давлат органи коррупцияга қарши курашга ўз муносабатини билдиради, мустақил равишда ушбу курашда йўналтирилган чораларни кўради. Ушбу йўналишда ҳали катта ютуқларга эришмаган давлатлардаги коррупцияга қарши кураш таҳлили тадқиқот ишининг муаммоларини ҳал қилишда ҳам муҳим санали. Уларнинг тажрибаси бошқа давлатлар ва бутун дунё ҳамжамиятини коррупцияга қарши курашда илгари қилинган хатоларидан огоҳлантириши мумкин. Юқоридаги рейтингда энг кам коррупцияга учраган давлатлар: Янги Зеландия, Дания, Финляндия, Швейцария, Швеция, Сингапур, Норвегия, Голландия, Люксембург, Германия, Исландия, Буюк Британия, Канада, Австрия, Австралия, Гонконг, Бельгия, Ирландия, Эстония, Япония давлатлари ТОП 20 таликни ташкил этади¹. Юқоридаги давлатлар коррупцияга қарши муваффақиятли курашмоқдалар ва сўнгги ўн йил ичида рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Албатта, коррупцияга қарши муваффақиятли курашаётган барча давлатлар бу муаммони уларнинг хавфсизлигига таҳдид деб билишади.

Охириги йилларда жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўтказилаётган социологик тадқиқотлар натижалари ва оммавий ахборот воситалари орқали намоёиш этиб борилаётган халқаро миқёсдаги коррупцияга қарши курашиш

¹<https://www.transparency.org/ru/cpi/2019/results/table>.

жараёнлари шуни кўрсатмоқдаки, “Transparency International”нинг кейинги йилларда дунёда сўз эркинлигини таъминлаш, жамиятда оммавий ахборот воситаларига нисбатан ижобий муносабат ва мустақиллик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларнинг фаоллашуви намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш доирасида кўплаб давлатлар ўз тажрибаларига эга. Хусусан, Сингапур давлатида антикоррупцион бюро фаолиятини мустақамлашга, Япония эса давлат хизматчиси эгаллаган лавозимига биринчи ўринда касб этикаси орқали лойиқлигини инобатга олади, ривожланган Буюк Британия АҚШ сингари мамлакатларда судьянинг касб этикаси муҳим мезон сифатида этироф этилади. Демак, ривожланган давлатлар фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмаларининг фаоллиги жамиятда коррупцияга қарши курашишда ўз таъсир кучига эга.

Агар ривожланган давлатларнинг тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат ва фуқаролик жамияти институтиларнинг коррупцияга қарши курашишдаги самарали ҳамкорлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашда жаҳонда қайси давлатлар етакчилик қилаётганлиги бўйича анкета сўровномалари ўтказилди. Бунда респондентларнинг бугунги кунда бу иллатга нисабан фикрларини билишга урғу берилган эди. (Сўровномага қатнашганлар сони 268 та) “Жаҳонда коррупцияга қарши курашда қайси етакчи давлатларни биласиз?”, деган савол бўйича қуйидагича жавоб олинди:

- Янги Зеландия, Дания, Финляндия, Швейцария – 19 фоиз;
- Швеция, Сингапур, Норвегия, Германия – 21 фоиз;
- Исландия, Буюк Британия, Канада, Индонезия – 15 фоиз;
- Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой – 37 фоиз;
- жавоб беришга қийналаман – 8 фоиз.

Сўровномадан маълумки, ёшларда коррупцияга доир қарашларини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол бўлишлари учун ижтимоий-ҳуқуқий саводхонликни ривожлантиришимиз лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш имкониятлари**» деб номланган. Ушбу бобда коррупцияни олдини олишнинг фалсафий асослари ва имкониятларга эътибор қаратилган. Ҳар қандай давлат ўз фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари бўлган ўз функцияларига эга, яъни жамиятни ташкил этиш шакли сифатида давлатнинг коррупцияга қарши курашиш вазифаси объектив равишда белгиланган. Давлатнинг баъзи функциялари, масалан, мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш (ҳимоя қилиш) функциялари анъанавий ҳисобланади, чунки уларни амалга ошириш зарурати давлатнинг тарихий категория сифатида пайдо бўлишининг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунга қадар улар замонавий давлатчиликнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Диссертант фикрича, коррупцияга қарши доимий чоралар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) маълум бир давр учун коррупцияга қарши дастурни ишлаб чиқиш, яъни, маълум бир давр учун асосий сиёсат йўналишларини ўз ичига олган ҳужжатни яратиш;

б) маълум бир давр учун коррупцияга қарши режаларни ишлаб чиқиш, яъни коррупцияга қарши кураш дастурини белгилайдиган ва тузадиган ҳужжатларни яратиш;

в) коррупцияга қарши дастур ва режаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларга керакли тузатишлар киритиш ва уларни амалга ошириш даражасини баҳолаш тизимини яратиш;

д) коррупцияга қарши кураш бўйича ихтисослаштирилган органларнинг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш;

г) назорат қилувчи органларнинг фаолияти (парламент текширувларини назорат қилиш ва текшириш комиссиялари ва бошқалар);

е) коррупция ҳолатини (худудий, тармоқ ва функционал нуқтаи назардан), шу жумладан статистик, социологик ва бошқа усуллар орқали доимий равишда мониторинг қилиш;

ж) коррупцияга қарши таълим ва тарбия тизимини кучайтириш.

Бу турли давлатлар учун универсал бўлган чора-тадбирлар тизимидир.

Тараққиётга тўсқинлик қиладиган реал хавфлардан бири коррупция ҳисобланади. Айниқса, бу борада Ўзбекистондаги ҳолатни бартараф этишга доир янги ижтимоий механизм шаклланмоқда. Йиллар мобайнида Ўзбекистон коррупция илдиз отган давлатлар халқаро рейтингида пешқадамлардан бўлиб келган. Шу билан бирга, бу бало барча соҳалар ривожига ва бошланган ислоҳотлар самарадорлигига жиддий таъсир қилиб келмоқда. Ана шундан ижтимоий муҳитнинг моҳиятини чуқур англаб етган ҳукуматимиз томонидан коррупцияга нисбатан мамлакат миқёсида жиддий ҳаракат бошланди. Натижада, давлатимиз Президенти томонидан 2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг имзоланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг 36-моддасида ҳар бир давлатда коррупцияга қарши сиёсатни амалга оширувчи ва ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган тегишли орган бўлиши тавсия этилади. Ана шуларни инобатга олиб бизда ҳам алоҳида Агентлик шакллантирилди ва бу ташкилот фаолиятини бошлади. Назаримизда, бу ташкилот масалага илмий ёндашиб узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни экспертлар ёрдамида экспертизадан ўтказиши самарали ҳисобланади. Бу борада Агентлик давлат ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим. Шу билан бирга, давлатимизда келажакдаги коррупция ва уни олдини олиш билан боғлиқ аналитик марказ шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу марказнинг яна бир вазифаси сифатида турли соҳаларда олиб борилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг амалий натижаларини, шу жумладан, вақт ўтиши билан ушбу соҳаларда коррупция даражасининг ўзгаришини ҳар томонлама, объектив ва доимий равишда мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ. Ана шу мониторинг жараёнида фуқаролик жамияти

институтларининг ҳамкорлиги ва унинг натижалари тўғрисида ўз муносабатларини билдириши муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида “коррупциясиз соҳа” умумий объект сифатида инсон ва унинг манфаатлари ўртага қўйилди. Инсоннинг онгли мавжудот сифатида ақлли, идрокли ҳатти-ҳаракатлари, ахлоқий идеаллари, юриш-туришлари, турмуш тарзи, муомаласи, одоби, урф-одатлари коррупцияга қарши курашиш мезони миллий менталитетда ўз ифодасини топди. Бу жараён турли коррупцион механизмларсиз инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқадиган объектив заруриятдир.

Бугун жамиятда “коррупциясиз соҳа” асосидасалбий иллатлардан халос бўлиш – ҳуқуқий онг ва миллий менталитетни шакллантириш ва юксалтириш долзарб масаладир. Фуқароларда коррупция иллатига қарши турувчи миллий ғурур, ифтихор туйғуси, ижодкорлик, шижоат, Ватанга муҳаббат ва истиқболга ишонч каби тасаввурларни ривожлантиришимиз даркор.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий назорат самарадорлиги истиқболлари**» деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат. Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти жуда катта роль ўйнайди. Бундай фалсафий тафаккур билан уйғунлашган фаолиятни ҳар томонлама ривожлантириб бориш, айниқса, халқнинг коррупцияга нисбатан муносабатини камайтириш долзарб ижтимоий фаолликни талаб этмоқда. Шу боисдан, фуқаролик жамияти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин ва мустақил фуқароларнинг бирлашмаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу фуқаролик жамиятининг сиёсий ва иқтисодий асосларини шакллантириш стратегиясини танлаш, унинг ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлаш вазибалари билан ўзаро муносабатини англатади. Бундай дунёқараш Ўзбекистонда халқ билан давлатнинг бир мақсад йўлида бирлашиши, яъни коррупциянинг олдини олиш борасида ҳамфикр эканлигини ҳам кўрсатади.

